

“ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш ва фойдаланишни таъминлаш бўйича кўрсатмалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-191-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 198-сонли қарорларига мувофиқ умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасалар “Ўзбектелеком” Акциядорлик Компанияси (АК) томонидан “ZiyoNET” тармоғи орқали интернет тармоғига уланган.

2017 йилдан бошлаб “Ўзбектелеком” АК томонидан жисмоний шахслар учун ҳам арзонлаштририлган ва ёшларни турли хилдаги ахборот хуружларидан ҳимоялайдиган “ZiyoNET” тарифлари ишлаб чиқилди.

“ZiyoNET” тарифлари юридик ва жисмоний шахслар учун иккита йўналишда хизмат кўрсатади:

1. Симли: xDSL телефон алоқа линияси ҳамда FTTx оптик толали кабеллар орқали.
2. Симсиз: CDMA-450 ҳамда GSM технологиялари орқали.


Юридик шахсларни “ZiyoNET” тармоғига улаш тартиби:

Юридик ташкилотнинг юқори турувчи органи томонидан тармоққа уланадиган барча муассасалар рўйхати шакллантирилади.


“Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиаллари билан бир йилга мўлжалланган шартнома тузилади.

“Ўзбектелеком” АКнинг ушбу йўналишда тегишли ходими ҳар бир муассасани тармоққа улаш ишларини амалга оширади.

Юридик шахсларнинг дислокациясини шакллантириш тартиби:



Шартномаларни тузиш тартиби:



**Юридик шахслар учун “ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш учун
белгиланган тарифлар:**

Т/р	Хизматлар номи	“ZiyoNET” тармоғига уланиш тезлиги	“ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш учун белгиланган лимит	Интернет тармоғига уланиш тезлиги	Интернет тармоғидан фойдаланиш учун белгиланган лимит (ойига)	Нархи (сўм)
xDSL технологияси бўйича уланиш (симли)						
1.	ZiyoNET-1	512 Кбит/с.	Лимитсиз	128 Кбит/с.	700 МБ	19 061
2.	ZiyoNET -2	1 Мбит/с.	Лимитсиз	256 Кбит/с.	1 000 МБ	21 057
3.	ZiyoNET -3	1 Мбит/с.	Лимитсиз	512 Кбит/с.	1 200 МБ	26 647
FTTx технологияси бўйича уланиш (симли)						
1.	ZiyoNET fast -1	1 Мбит/с.	Лимитсиз	512 Кбит/с.	2 800 МБ	39 424
2.	ZiyoNET fast -2	1 Мбит/с.	Лимитсиз	1 Мбит/с.	5 000 МБ	96 918
3.	ZiyoNET fast -3	2 Мбит/с.	Лимитсиз	2 Мбит/с.	Лимитсиз	1 441 101
CDMA-450 технологияси бўйича уланиш (симсиз)						
1.	ZiyoNET CDMA-1	128 Кбит/с.	Лимитсиз	128 Кбит/с.	500 МБ	24 328
2.	ZiyoNET CDMA-2	128 Кбит/с.	Лимитсиз	128 Кбит/с.	1 000 МБ	48 656

Изоҳ:

1. Бир ойлик трафикка киритилган лимит тугаши билан “ZiyoNET” тармоғига Интернет тармоғининг уланиши узиб қўйилмайди.
2. “ZiyoNET” тариф режаларига уланганда фақат “ZiyoNET” ахборот-ресурслар тармоғининг (<http://sites.ziynet.uz/>) ягона ахборот манбааларига киришга рухсат берилади. Қолган ташқи Интернет ва ТАС-ІХ сайтларига кириш чекланади.
3. CDMA-450 технологияси вилоятларнинг чекка ҳудудларида жойлашган ва xDSL ва FTTx орқали уланиш учун техник имкониятларга эга бўлмаган юридик ташкилотлар учун мўлжалланган.

**Жисмоний шахслар учун “ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш учун
белгиланган тарифлар:**

Т/р	Хизматлар номи	Абонентлик тўлови (сўм)	“ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш учун белгиланган лимит	Интернет тармоғига уланиш тезлиги	Интернет тармоғидан фойдаланиш учун белгиланган лимит (ойига)	Лимитдан ташқари 1 МБ нархи (сўм)
xDSL ва FTTx технологиялари бўйича уланиш (симли)						
1.	ZiyoNET Active	18 000	Лимитсиз	2 Мбит/с.	5 000 МБ	10
Т/р	Хизматлар номи	Хизматни фаоллаштириш нархи (сўм)	Хизмат абонент тўлови (кунлик, сўм)	“ZiyoNET” тармоғидан фойдаланишда 1 МБ трафик учун нарх (сўм)	USSD орқали бошқариш	
GSM (2G/3G/4G) технологияси бўйича уланиш (симсиз)						
1.	ZiyoNET хизмати	421,1035	210,5175	8,4207	*111*1*12*1# - фаоллаштириш *111*1*12*2# - ўчириш *100*2# - трафик қолдиғи	

Изоҳ:

1. xDSL ва FTTx технологиялари орқали уланган абонентларда бир ойлик трафикка киритилган лимит тугаши билан “ZiyoNET” тармоғига Интернет тармоғининг уланиши узиб қўйилмайди.
2. “ZiyoNET” тариф режаларига уланганда фақат “ZiyoNET” ахборот-ресурслар тармоғининг (<http://sites.ziynet.uz/>) ягона ахборот манбааларига киришга рухсат берилади. Қолган ташқи Интернет ва TAS-IX сайтларига кириш чекланади.
3. Жисмоний шахслар xDSL ва FTTx технологиялари орқали “ZiyoNET” тариф режаларига уланиши учун “Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий ёки туман (шаҳар) бўлимларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари керак бўлади.
4. GSM технологияси бўйича хизматни фаоллаштириш ва ўчириш “Шахсий кабинет” орқали, учун “Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлимларида ёки Call-марказга қўнғироқ орқали амалга ошириш мумкин.